
ФУРҚАТ ТУМАНИДА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ОЙНАСИ ЮРИТИЛАДИ

Эшон МФЙда туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Жаҳонгир Жуманов режага мувофиқ ҳудуддаги ёшлар билан учрашди. Учрашувда 17 нафар ёшлар ўзларининг таклиф, ташаббус ва муаммолари юзасидан сектор раҳбарига мурожаат қилишди.

Тадбиркорлик фаолияти учун дастгоҳ олиш 1та, имтиёзли кредит олиш йўналишида 9 та, деҳқончилик қилиш учун ер олиш йўналишида 5 та, 2 та мурожаат эса контракт тўловига ёрдам бериш шунингдек, маҳалла ҳудудига сув тармоғи тортиш масаласида мурожаат келиб тушди.

Туман ҳокими ҳудудга бириктирилган ҳоким ёрдамчиси ҳамда масъулларга ушбу мурожаатларни тезкорлик билан ҳал этиш юзасидан топшириқлар берди. Шунингдек, ҳар бир сайёр қабулда ёшлардан тушган мурожаатларни назоратга олиш, мурожаатлар ижросида натижадорликка эришиш мақсадида назорат ойнасини юритиш, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолдирилмаслигини таъминлаш борасида топшириқлар берилди. Қувонарлиси, ҳудуд ёшлари боқимандаликка берилмагани, аниқ мақсад билан олдинга интилаётгани таҳсинга сазовор.

-Ўтган йили деҳқончилик учун ёшларга ер берилганда, имкониятдан мен ҳам фойдалангандим, бир мавсумнинг ўзидан 10 миллион сўм даромад қилдим. Бу йил ҳам ер олиб, яна деҳқончилик қилмоқчиман, бунинг учун сизга раҳмат айтаман, - дейди Жўраев Элдиёр

2022-01-21 08:45:25